



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 2 май, № 89 (8984)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЎҲНА ХОРАЗМНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, янги истикболли режаларни белгилаш мақсадида 1 май куни Хоразм вилоятига келди.



Бу ўлка қадим тарихи ва маданияти билан туризм жозибдорлигига эга. Ҳозирги иқтисодий равнақи туфайли ишбилармонлик ташрифлари ҳам кўпаймоқда. Лекин Урганч халқаро аэропорти аҳоли ва меҳмонлар талабига тўла жавоб бермапти. У соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсата олади ҳолос. Бу қатновларни кўпайтириш имконини бермапти. Шунинг учун

аэропортни модернизация қилиш ва бошқарувга бериш кўзда тутилган. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳанинг бориши ҳақида ахборот берилди. Президентимиз ушбу компания ва лойиҳа раҳбарлари билан суҳбатлашди. Компания президенти Инчон халқаро аэропорти сиғими бўйича дунёда учинчи ўринда туриши, сервис

да идоралараро тендер комиссиясининг қарори билан Корея Республикасининг "Incheon International Airport Corporation" компанияси ғолиб деб топилди. Президентимиз ушбу компания ва лойиҳа раҳбарлари билан суҳбатлашди. Компания президенти Инчон халқаро аэропорти сиғими бўйича дунёда учинчи ўринда туриши, сервис



бўйича етакчилардан бири эканини айтди. Урганч компаниянинг иккинчи аэропорти бўлишини таъкидлаб, уни янгилаш ва бошқариш режаларини маълум қилди. Давлатимиз раҳбари бундай илгор компания билан шерикликдан хурсандлигини таъкидлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фикрларини билдирди.

— Хоразмда кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш ва савдо марказлари барпо этилган. Келажақда сайёҳлар оқимини 5 миллионга етказишни мақсад қилганмиз. Бунга аэропорт билан ҳамоҳанг қилсак, ўзаро манфаатли бўлади, даромад кўпаяди, — деди Шавкат Мирзиёев. Хорижий авиакомпаниялар билан ҳамкорликда самолётлар олиб келиб,

ташувларни кўпайтириш бўйича фикр алмашилди. Ушбу шерикликдан фойдаланиб сервис бўйича Корея тажрибасини ўрганиш, мутахассисларимизни ўқитиш ва малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХИВА ШАҲРИДА «АРДА ХИВА» ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАРКАЗИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар, муҳтарам Хоразм аҳли!

Хурматли меҳмонлар! Бугун сиз, азизлар билан шонли тарихимиз устунлари ва Янги Ўзбекистон пойдевори чамбарчас боғланган муқтабар диёрда — қадимий Хоразмда дийдор кўришиб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига бебаҳо хисса қўшган Шарқ гавҳаридир. Бу кўҳна юрт ҳақонга донги кетган не-не олим фозилар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетақдор шоир ва ҳофизлар ватандир. Илм-маърифат машаллари бўлган Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Пахлавон Маҳмуд, Оғаҳий, ватанпарварлик тимсоли бўлган Наҳмиддин Кубро ва Жалолиддин Мангуберди сингари улуг зотлар халқимизнинг фахру ифтихоридир.

Шу маънода, ҳақон олимларининг "Улуғ новатор Беруний фанининг бир қатор хал қилувчи йўналишларида ўз давридан 500 йиллаб, ҳатто ундан ҳам кўпроқ илгарилаб кетган", деган эътирофлари бу заминнинг буюк салоҳиятидан далолат беради.

Хоразмнинг ҳавас қилас арзийдиган яна бир бебаҳо бойлиги бор. Бу — унинг мухташам тарихий обидаларидир. Очик осмон остидаги шаҳар-музей — "Ичан қалъа" мажмуаси умумбаъшарият ҳазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатида киритилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Эътибор беринг, вилоятда 260 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд. Ва уларнинг тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. Ҳеч шубҳасиз, улар ўзининг ноёб ва гўзал меъморий қиёфаси билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг ҳақон раънақидаги бетақдор ўрнини белгилаб берадиган тарих тарихидир.

Азиз юртдошлар! Бугунги кунда биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида давримиш ва янгилашлар йўлини қатъият билан ўзгартиришмоқдамиз. Бошлаган ислохотларимиз доирасида тинчлик ва дўстлик жабҳаси бўлиши туризмни ри-

вожлантиришга алоҳида стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратиб келаётганимиз албатта бежиз эмас. Чунки туризм — бу фақат сайру саёҳат, мазмунли дам олишгина эмас. У аввало элларни элларга, дилларни дилларга боғлайдиган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг бой маданияти ва тарихий меросини, унинг очик қалбини дунёга намойён қиладиган кўзгудир.

Биз тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектларини асраб-авайлаб, уларни глобал туризм тармоғига фаол жалб этиш борасида кенг қамровли ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Шу билан бирга, миллий меъморчилик ечимларини қўллаган ҳолда бир вақтнинг ўзига тарих ва замонавийликни муваффақият билан ийрик туристик мажмуаларни кўпайтиришга алоҳида ургу бераймиз.

Алгебра ва алгоритм асосчиси Мухаммад Хоразмий бобомиз айтганларидек "Тартиб ва тўғри ҳисоб-китоб — ҳар қандай ютуқнинг гаровидир". Шу сабабли ҳам мамлакатимизда туризм салоҳиятини юксалтириш бўйича аниқ ва пухта режалар асосида иш юритилмоқда.

Биз бундан уч йил олдин Самарқандда "Боқий шаҳар" деб ном олган йирик туристик мажмуани ишга туширган эдик. Бугун эса Хоразм замининда "Арда Хива", оддий қилиб айтганда, "Боқий Хива" комплекси тантанали равишда очилмоқда. Бу ноёб мажмуа улкан режаларимизнинг яна бир амалий натижасидир.

Қисқа фурсатда бунёд этилган ушбу мухташам халқаро туристик масканда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, ҳар бири кунига 2 минг сайёҳга хизмат қиладиган очик ва ёпиқ аквапарклар, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўргазмалар павильони, 70 та дўкан, 300 та савдо растаси, 11 та хунарамандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фавворалар, сайр учун 4 километрни соҳил бўйи йўлагига ишга тушмоқда.

Бу борада Хоразмнинг шонли ўтмишидан ҳикоя қиладиган "Кўҳна Урганч" музейи аҳолимиз ва сайёҳларнинг сеvimли масканига айланиши шубҳасиз.

Ана шундай ишларимиз ҳисобидан вилоятга туристлар оқими кўшимча равишда 1 миллион нафарга ошади, хизматлар 1,2 триллион сўмга кўпаяди, камида 2 мингта иш ўрни яратилади. Ишончим комил, "Арда Хива" Хоразмдаги туризм ривожига янги саҳифа очади, вилоятнинг иккинчи "ташриф қоғози"га айланади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мажмуага сармоя киритган тадбиркор ва инвесторларга, фидокорона меҳнат қилган қурувчи ва мутахассисларга, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик билдирмаман. Ушбу бетақдор маскан Хоразмга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Хурматли Хоразм аҳли, азиз меҳмонлар! Хоразмнинг ҳали ишга солилмаган туристик салоҳияти жуда катта. Хабарингиз бор, Хива туманидаги 2 минг 400 гектар ерни Хива шаҳрига ўтказилган. Бу жойда "Саҳро юлдузи" туристик комплекси бунёд этилади. Бу ҳудудда меҳмонхоналар, кўнгилочар марказлар, гастрономик ва савдо кўчалари, музейлар, экоуйлар, ёзги лагер, экстремал туризм объектлари барпо этилади.

Комплекс қурилиши бўйича ишларни шу йилдан кечиктирмасдан бошлаймиз. Бош вазир А.Арипов бунга бош-қош бўлади. Шунингдек, Тупроққалъада чўл ҳудудидаги 5 минг гектар ерда сафари ва ов туризми ривожлантирилади. Урганч шаҳри, Шовот, Қўшқўйри, Хива ва Ҳазораспдан оқиб ўтадиган Ғазовот, Полвон, Шовот каналлари бўйларида 50 миллион долларлик 80 та хизмат кўрсатиш, савдо-кўнгилочар объектлари ишга туширилади. Богот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманида туризм қишлоқлари ташкил этилади.

Биз аждодларимиз қолдирган бекиёс илмий-маънавий меросини асраб-авайлаш, бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишни ўз олдимишга улуг мақсад қилиб қўйганмиз. Шу боис Маъмул академияси биноси олдидаги 2 гектар бог "Буюк алломалар" номи очик осмон остидаги "смарт" музейга айлантирилади. Шу асосда Хоразм юртида камол топган ўнлаб мумтоз аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий ме-

си интерактив усулда бир неча хорижий тилларда сайёҳларга тақдим этилади.

Кунги кеча Урганч шаҳрида Мухаммад ал-Хоразмий номидаги янги университет ва IT мактабини ташкил этиш бўйича алоҳида қарорни имзоладим. Аминманки, бу таълим даргоҳлари бўлгуси хоразмийлар, берунийлар билим оладиган ўқув масканларига айланади.

Хурматли юртдошлар! Бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Амударёнинг икки соҳилида жойлашган Хоразм ва Қорақалпоғистон элчини Худой таолонинг ўзи тақдирдош қилиб яратган. Бу икки қўшни ҳудуднинг тарихи, маданияти ва урф-одатларини бир-бирдан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу боис Хоразмда туризмни ривожлантиришни Қорақалпоғистон билан ҳамоҳанг равишда, ягона концепция асосида амалга оширамиз.

Бунинг учун "Хоразм — Қорақалпоғистон" туризм ҳалқаси лойиҳаси ишлаб чиқилади. Масалан, Хивадан 80 километр масофада Эликқалъа тумани жойлашган бўлиб, бу ерда туристлар учун жозибадор бўлган "Аёзқалъа" ва "Тупроққалъа" ёдгорликлари бор. Шунингдек, тумандаги Аҳчақўлда пляж туризмни ривожлантириш учун барча инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катта дастур бошлаймиз. Бундан ташқари, Урганч — Гурлан — Мангит автомобиль йўли тўлиқ реконструкция қилинади.

Сўнгги йилларда Хива шаҳрига темир йўл тортилиб, янги вокзал қурилди. Бухоро — Урганч — Хива темир йўли тўлиқ электрлаштирилди. Сизлар билан келишиб олганимиздек, 2026 йилда ушбу йўналиш бўйлаб Жалолиддин Мангуберди номи билан аталадиган замонавий тезорар поездлар қатновни йўлга қўйилади. Энг муҳими, яқин келгусида бу тезорар поездлар Нукусга боради.

Бугунги анжуманда кўплаб хорижлик дўстларимиз иштирок этмоқда. Келинг, қадрли меҳмонларимизни чин дилдан қутлаб, уларга яна бир бор ҳурмат ва эзгу тилакларимизни билдирайлик!

Албатта, Хоразмга бир марта келган одам унга умрбод мафтун бўлиб қолади. Ишончим комил, сиз, азизлар ҳам бу гўзал ва бетақдор юртдан олам-олам унутилмас таассуротлар билан қайтасизлар.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос сулув табияти, бой маданияти, урф-одади, тарихий обидалари ва бир-биридан лаззатли таомлари, нозу неъматлари билан ахралай туради.

Мамлакатимизга яна бир бор ташриф буюринг, бошқа ҳудудларимизни ҳам кўринг, юртимиз ҳақидаги ҳолис фикрларингизни яқинларингиз билан ўртоқлашинг.

Янги Ўзбекистон сайёҳлар учун хавфсиз, хилма-хил контентларга бой, ёрқин таассуротларга тўла туристик макон сифатида хотирингизда ҳаммиша муҳрланиб қолади.

Ўзбекистонга ҳуш келибсиз, азиз дўстлар! Қадрли юртдошлар!

Бугун дунёдаги мураккаб вазиятга қарама-дан Ўзбекистон ўз йўлидан дадил бормоқда. Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, дўстлик ва ҳамкорлик, бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда.

Бизнинг ҳар бир мақсад-режамиз, ҳар бир ислохотимиз одамларимиз ҳаётини яхшилашга, уларни рози қилишга қаратилган ва бу ишларимиз, иншооллоҳ, бардавом бўлган.

Аминманки, сиз, азизлар билан фидокорона меҳнат қилиб, Хоразм ва Қорақалпоғистонни дунёдаги энг гўзал ва обод, илм-фан ва инновациялар, маданият ва санъат янада ривожланган заминга айлантирамиз.

Ана шу олийжаноб мақсад йўлида барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга тинчлик ва фойзу барока тилаймман. Жонажон Ватанимиз ҳаммиса омон бўлсин! Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин! Катта раҳмат сизларга!

МУСУЛМОН ДОНИШМАНДЛАРИ КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Мусулмон донишмандлари кенгаши Бош котиби Мухаммад Абдуссалом билан музокара ўтказди.

Учрашув

Унда Мусулмон донишмандлари кенгаши билан алоқаларни ривожлантириш, диний бағрикенглик ҳамда аъёнавий ислом қадриятларини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Мусулмон донишмандлари кенгаши билан бирга буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, ҳусусан, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ва Самарқанд шаҳрида қайта барпо этилаётган Имом Бухорий мажмуаси фаолияти доирасида самарали

алоқаларни йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилди. Бугунги кунда бутун дунё мусулмонлари учун аҳиллик, тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни турли хавф-хатарлардан асраш масалалари ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Бу йўналишда томонлар кенг ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр эканини билдирди. Учрашув якунида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, делегациялар ташрифларини амалга ошириш, биргаликда турли илмий ва амалий тадбирларни ташкил этишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ЮКСАК МАРРАЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САРИ

Сўнгги йилларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам барча соҳада кенг қўлмалли ўзгариш ва янгилашлар бўй кўрсатмоқда.

Муносабат

Хусусан, қадим тарих ва маданияти билан туризм жозибдорлигига эга бу ўлга ишбилармонлик ташрифлари ҳам кўпаймоқда. Воҳанинг инфратузилмавий ва ижтимоий ривожланишида иқтисодиётнинг асосий секторлари ҳисобланган қишлоқ ҳўжалиги, саноат, туризм ва инфратузилма яратилган қаратилган сазй-ҳаракатлар, шунингдек, давлат дастурлари ва инвестициялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 29 февраль — 1 март кунлари

вилоятга ташрифи чоғида белгилаб берган вазифалар катта янгилашни ва юксалишларга сабаб бўлди.

Ташриф давомида айтилган энг муҳим йўналишлардан бири — аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўлди. Мазкур вазифалар ижроси доирасида 50 мингдан зиёд ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик лойиҳалари орқали минглаб оиаларнинг даромади ошди, имтиёзли кредитлар ва давлат қўмаги ҳисобидан 3 мингта яқин янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

➡ 3

ТЕМИР ПАНЖАРА ОРТИДАГИ ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ

Хотира — муқаддас, сабоқ — абадий

9 май мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Биз шу куни Иккинчи ҳақон урушида қурбон бўлган юз минглаб ватандошларимизни хотирлаб, жангтоҳлардан омон қайтган қаҳрамонларга эҳтиром кўрсатамиз. Мустабид тузумнинг шафқатсиз қатагонларида ноҳақ айбаниб азоб-уқубатларга маҳкум этилган, узок ўлкаларда она юрт соғинчида жон таслим қилган инсонлар хотирасини ёд этамиз.

Мозийдан садо

Собиқ иттифок даврида мустақлакачилик сиёсати натижасида бирлаштирилган ҳамма республикаларда турли қатагонлар, инсон қадрини топташ, эрк ва озодлик учун ҳар қан-

дай интилишни қуч билан бостиратиш тинмади. Ўзбекистонда ҳам минглаб зийиллар, атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндалари, ижодкорлар, диний уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари сиёсий таъқиблар қурбони бўлди.

➡ 4

КЎҲНА ХОРАЗМНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Лойиҳанинг умумий қиймати 223 миллион АҚШ доллари бўлиб, унинг доирасида янги учиш-қўниш йўлаги, йўловчи ва юк терминаллари қуриш, “ICAO” талабларига жавоб берувчи ёритиш-сигнал қурилмалари ўрнатиш, махсус техникалар харид қилиш кўзда тутилган.

Умуман, бундай замонавий инфраструктура орқали Урганч аэропорти энг қулай йўналишлардан бирига айланади. Хоразмнинг хорижлик сайёҳлар учун жозибадорлигини оширишга ҳамда мамлакатимиз авиация соҳасини ривожлантиришга хисса қўшади.

Бўлажак янги терминал лойиҳаси ҳам тақдимот қилинди. Президентимиз унинг ички ва ташқи қиёфасида миллий руҳни акс эттириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда давлатимиз раҳбари журналистлар билан ҳам мулоқот қилди. Хоразмга ташифдан мақсад янги марраларни белгилаб, иқтисодий кўрсаткичларини янада ошириш, вилоятда яшаётган 2 миллиондан зиёд аҳолининг шароитини яхшилаш, иш ўринлари очиб, одамларнинг даромадини кўпайтириш экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ал-Хоразмий шаҳарчасининг қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил августда ушбу шаҳарча пойдеворига тамал тоши қўйган эди. Утган йилларда муҳандислик тармоқлари тортилиб, 1 минг 773 та хонадонни 72 та кўп қаватли уй фойдаланишига топширилган. Бу йил мингта хонадонни яна 28 та турархोज қурилиши режалаштирилган. Бу ерда жами 5 мингдан ортиқ хонадонлар бўлади.

Шаҳарча Урганч халқаро аэропорти яқинида, 130 гектардан зиёд ҳудудда бунёд этилмоқда. Самолётдан тушган меҳмонларнинг кўз ўнгига аввало мана шу гўзал маскан намоён бўлади. Шаҳарча марказида Хоразмий бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилади.

Президентимизга мазкур хайкал лойиҳаси тақдимот қилинди.

Хайкал шаҳарчада барпо этилаётган 20 гектарлик боғнинг кириш қисмида ўрнатилади. Унинг баландлиги 22 метр, пойдевори билан бирга 30 метрдан зиёд бўлади.

Мутасаддиларга монументни ҳам бунёдкорлик, ҳам маъно жиҳатдан такомиллаштириш, шаҳарчада яшилликни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Куни кеча Президентимиз Ал-Хоразмий университети ва иxtисослаштирилган мактаб ташкил этиш бўйича қарор имзолади. Бу университетда 3 та: математика ва информатика, аэрокосмик технологиялар муҳандислиги ҳамда сўнъий интеллект факультетлари бўлади. Ўқув жараёнлари “Янги Ўзбекистон” университетининг таърибаси асосида Бирлашган Араб Амириликлари, Хитой, Буюк Британия каби давлатларнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилади. Қабулни 2025/2026 ўқув йилидан бошлаш режалаштирилган. Жами талабалар сони 4 — 6 минг атрофида бўлиши кўзда тутилган.

Шаҳарча ҳудудида Тошкентдаги Мухаммад ал-Хоразмий мактабининг филиали ҳам ташкил этилади. Унга 4-синф битирувчилари танлаб олинади. Таълимнинг аяқунловчи 2 йили муҳандисликка бошланғич тайёргарликка қаратилади.

Шунингдек, Ал-Хоразмий шаҳарчасида технопарк ва офислар, тиббиёт ва маданият марказлари, хиббонлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари, савдо ва маиший бинолар бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига таширифи доирасида Хонқа туманида барпо этилган мебелсозлик кичик саноат зонасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 июндаги мебелъ саноатини ривожлантиришга оид қарорига мувофиқ, саноат хилати бор туманларда шундай саноат зоналари ташкил этилмоқда.

Хонқа туманида ҳам аввалдан мебелсоз усталар кўп. Ҳозирги кунда бу йўналишда 140 дан зиёд тадбиркорлар, 500 дан ортиқ хонадонларда кичик устоналар бор. Шу пайтгача уларнинг кўпчилиги тор жойларда, ноқулай шaroитларда ишларди.

Шу боис 10 гектар ер ажратилиб, мебелъ махсулотларини кластер усулида ишлаб чиқариш, кўргазма ва савдо объектларини ўз ичига олган кичик саноат зонаси барпо этилди. Бу ерда 10 миллион долларлик 61 та корхона фаолият бошламоқда. 650 киши иш билан таъминланди.

Корхоналарда Германия, Италия, Швейцария, Туркия, Хитой каби давлатлардан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатишган. Йилига 108 миллиард сўмлик уй, офис, меҳмонхона, ресторан, савдо ва ижтимоий муассасалар учун мебеллар ишлаб чиқариш қуввати яратилган.

Президентимиз устоналардаги иш жараёнини кўздан кечирди. Хоразм вилоятида қурилиш кўлами ошгани, кўплаб уй-жойлар, меҳмонхоналар, бино ва иншоотлар барпо этилаётганидан унумли фойдаланиб, корхоналар учун бюртматлар шакллантириш, янги турдаги махсулотларни маҳаллийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мебелсозлик кичик саноат зонасида дизайнер ва технологлар тайёрлаш бўйича ўқув маркази ташкил қилинган. Унга Туркиядан малакали мутахассислар жалб этилган.

Улар билан мулоқотда мебеллар сифатини таъминлаш, ёшларнинг бу бўйича таърибасини ошириш ҳақида сўз юритди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ташқи бозорларга ҳам йўналтирилиши кўзда тутилган. 3 миллион доллардан зиёд экспорт қилиниши мўлжалланган.

Яна бир муҳим жиҳати, саноат зонасида энергия самарадорликка эътибор қаратилган. Корхоналарнинг барчасига кўёш панеллари ўрнатишган.

Давлатимиз раҳбари шуорумда махсулот намуналарини кўздан кечирди, уларнинг сифатини ва дизайнини юқори баҳолади.

Хоразм вилоятида мебелъ ишлаб чиқариш билан 300 дан ортиқ корхоналар шугулланади. Соҳадаги яқка тартибдаги тадбиркорлар 200 дан ортиқ, 1 минг 300 дан зиёд аҳоли ўзини ўзи банд қилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Хонқа туманидаги “Собижрон Юсуф” оилавий фермер хўжалиги даласида бўлди.

Унинг раҳбари Ойимжон Отажанова 73 ёшда. Кўлигул бу аёл кўчатчилик билан шугулланаётганига қирқ йилдан ошган. Ҳўжалиkning 3 гектар майдонида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади. Яна икки гектарда эса боғдорчилик қилинади. Бундан ташқари, 12 сотихли иссиқхонада 40 турдаги гул кўчатлари етиштирилади. Иссиқхона ва замонавий сув тежамкор технологиялар билан таъминланган бўлиб, унинг ҳар бир бўлимида кўчатларнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб зарур микроклим яратилган.

Серғайрат онахон оила аъзоларини ҳам шу ишга бошлаган. Йилига 50 минг тупдан ортиқ кўчатлар ўстириб, сотилади. Уларнинг йиллик даромади бир миллиард сўмдан ортади.

Эътиборли жиҳати, бу ерда етиштирилаётган кўчатлар қўшни ҳудудлар, Қозоғистон ва Туркменистонга ҳам етказиб берилмоқда.

Бог жойлашган Гулистон маҳалласида 7 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ёшлар ва хотин-қизларга ибрат бўлиб, уларни иш билан таъминлашда онахоннинг хизматлари катта. У хозиргача 200 дан ортиқ шогирдлар етиштирган, 300 нафар иш-сиз фуқарони кўчатчиликка ўргатган. Маҳалладаги 70 фойз хонадон билан касаначилик йўлга қўйилган.

Фидойи деҳқон бу йил тумандаги барча мактаб ва боғчаларга 2 минг туп қарағай кўчатини бегараз тарқатиб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига, юртимиз ободлигига хисса қўшди.

Камбағаллики қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда банк билан ҳамкорликда хўжаликнинг ёндош ҳудудида ўқув маркази очилган. Унда хўжалик таърибаси асосида хонадонлардаги самарасиз томорқадан йил давомида даромад олишга ўргатилмоқда. Натижада маҳаллаларда омилкорлик кенгайиб, оила-ларга қўшима даромад кирмоқда.

Ушбу хизматлари, меҳнатсеварлиги ва ёш авлодга намуналигини инobatта олиб Президентимиз Ойимжон Отажановани “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвони билан мукофотлашга қарор қилди.

Аҳоли фаолиги ошиб, туризм жадал ривожланаётган Хоразмда транспорт хизматлари ҳам яхшиланмоқда. Шу мақсадда “Бунёд йўловчи ташиш” корхонаси томонидан қарийб 8 миллион доллар эвазига 80 та замонавий автобус олиб келинмоқда. Ҳозирга қадар шундан 50 таси келтирилган.

Давлатимиз раҳбари вилоятга таширифи чоғида аҳолига яратилаётган қўлайликлар билан танишди.

“ЕВРО-5” талабларига мўносиб мазкур автобусларнинг сигими 70 кишилик. Таги паст бўлгани учун ногиронлиги бўлганлар ва кексалар учун ҳам қулай. Шунингдек, Wi-Fi ва кузатув камералари ҳам мавжуд. Бундай замонавий жамоат транспортидан кексаю ёш бирдек мамнун.

Авалги кичик автобусларнинг ҳар бири кунига 200 — 300 кишини ташиган бўлса, янги автобусларнинг ҳар бири минг кишига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг қатнов оралиги вақти ҳам икки баробарга қисқариб, 5 — 12 дақиқача тушиди. Натижада Урганч шаҳрида аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш даражаси 38 фойзга етди.

Асосийси, бундай шарoитлар транспорт етишмовчилиги ва қўчаларда тирбандликнинг олдини олиб, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига хизмат қилмоқда.

Бошқа ҳудудларни ҳам жамоат транспорти билан яхши қамраб олиш учун корхона томонидан тез кунда яна 30 та автобус олиб келиниши кўзда тутилган.

Президентимиз жамоат транспортини туманлар билан самарали боғлаб, йўналишларни қўлайлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Йўллари таъмирлаб, ҳайдовчилар малакаси ва техник хизмат сифатини ошириш автобуслардан фойдаланиш муддатини узайтиришда муҳим омил экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда ишлаб чиқарилаётган вагонлар ва Урганч — Хива электрлаштирилган темир йўлини кўздан кечирди. Бугунги кунда 465 километрлик Бухоро — Урганч — Хива темир йўли электрлаштирилиб, ҳимоя тўсиқлари ўрнатилиб ва зарур иншоотлар қурилган. Бу йўналиш учун Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан юқори

тезликдаги 6 та электропоезд харид қилиниб, келгуси йилдан “Жалолиддин Манғуберди” номи остида Тошкент — Хива йўналишига қўйилади.

Натижада йилига 3 миллиондан ортиқ йўловчиларга хизмат кўрсатилади. Ҳозирда Тошкентдан Хивага 14 соатда етиб борадиган поезд мазкур йўналишдаги ҳаракатда қўйиладиган электропоезд имкониятлари тўғйайли 7 соат 40 дақиқада етиб боради.

Шунингдек, юк поездлари ўтказувчанлиги қарийб 6 миллион тоннага етади. Ҳозир бу кўрсаткич 1 миллион тонна.

Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги темир йўл транспорт соҳасини тубдан ислох қилиш тўғрисидаги қарори асосида вагонсозлик тармоғи ҳам мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 50 миллион доллар йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш учун йўналтирилган. Жорий йил биринчи чорақда дастлабки 10 та йўловчи вагони қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари улардаги қўлайликларни кўздан кечирди.

Келгуси икки йилда йўловчи вагонлари сони 70 тага кўпайтирилиб, эски турдагиларидан босқичма-босқич эски қиладди. Натижада йилига бир миллион нафардан ортиқ қўшима йўловчиларни ташши имконияти яратилади.

Президент ушбу янги поездда жамоатчилик билан бирга Урганчдан Хивага йўл олди. Йўл бўйлаб жойлардаги ободончилик, дала четларида экилган кўчатларни кузатиб борди.

Вилоятда ўтган йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 10 миллион туп дарахт ва бутга кўчатлари экилган. Йирк саноат корхоналари томонидан “Яшил белбоғ”лар барпо этилган.

Бу йил эрта баҳорда ҳам зироатчилик кўлами кенгайди. Вилоятдаги 1 минг 100 гектардан зиёд дала четлари ва каналлар атрофидаги майдонларга даромадли махсулотлар экилди. Уларни қафолатли харид қилишга тадбиркорлар бириктирилган. “Agroko‘makshi” мобил иловаси орқали дала четлари ҳақидаги маълумотлар жамоатчиликка етказилмоқда.

Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини юзага чиқариш бўйича қилинаётган ишлар катта натижа бермоқда. Бунни ҳудудга хорижий сайёҳларнинг таширифи етти-саккиз йил олдинги даврдигига нисбатан 30 баробар кўпайганида ҳам қўриш мумкин. Соҳадаги ўзгаришлар ҳисобида вилоят туризм хизматлари экспорти 2017 йилдаги 7 миллион доллардан ўтган йили 380 миллион долларга етди.

Сир эмас, илгари ҳудуд туризми ҳақида гапирилганда кўпчилик фақат Ичан қалъани ҳавлига келтирар эди. Кейинги вақтларда бу борадаги қарашлар бутунлай ўзгарди. Сайёҳлар учун қирқдан ортиқ туристик йўналишлар ишлаб чиқилди ва уларнинг умумий сони юзтага етди.

Энди бу ерда яна бир ноёб мажмуа — “Арда Хива” бор. Унинг очилиши Хоразм вилоятига Президент таширфининг муҳим воқеаси бўлди.

Мажмуа қадим кент ичра яна бир бетакор шаҳарни ёслолади. Мазкур маскан ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган меъморий ечими билан ноёб лойиҳа саналади.

“Арда Хива” ҳудуддаги 25 гектарлик паст унумли, шўрхок майдонда қурилди. Унинг бир томони 150 гектарлик Говук қўлга туташиб кетгани, бу майдонларда эса яшил ҳудудлар ташкил этилаётгани лойиҳани сайёҳлар учун янада жозибдор қўрсатишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуа бўйлаб юриб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Ҳунармандчилик, бадийи ва амалий санъат кўргазмалари ҳамда бозор расталарини томоша қилди.

Бу ерда сайёҳларга хизмат кўрсатиш

учун барча қўлайлик яратилган. Хусусан, қадимий шаҳар муҳитини акс эттирувчи бинолар, жами минг ўринли 20 та меҳмонхона қурилди. Очик-ёпиқ акваларк ва аттракционлар, уч минг ўринли амфитеатр ва мусикали фаввора барпо этилди. Шунингдек, тарихий қиёфадаги 11 та хунарманд уйи, шарқона бозор, “Кўҳна Урганч” музейи меҳмонлар учун қизикарли бўлади. Икки километрлик каналда қайиқда сайр қилиш имконияти яна бир ўзига хос янгилик.

Бешта кинотеатр ва концерт зали, кўплаб ресторанир, заргарлик маркази, савдо дўконлари ва расталари, сув мототуриزمни жойи ҳамда автотурагоҳ замонавий талабларга мос тарзда қурилган. Ҳудуддаги барча иншоотлар учун ягона совитиш ва иситиш тизими барпо этилган. Электр энергияси таъминоти учун кўёш панеллари ўрнатишган.

Мажмуа йилига уч миллион нафар таширфи буюрувчини қабул қилиш имкониятига эга. Бу ерда икки мингдан зиёд кишилар иш билан таъминланди.

“Ичан қалъа” тарихий бўлса, “Арда Хива” Хоразмнинг замонавий “таширфи қорғози” бўлади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда хоразмлик ёшлар билан самимий мулоқот қилди.

— Ҳар қандай заҳира, ер ости бойликлари қачонлардир тугайди. Лекин болаларимиз бизга шундай буюк маънавий мерос, улгувор обидалар қолдиргани, улар асрлар давомида халққа хизмат қилиб келаяпти. Биз мана шу бойлиқдан элимиз манфаати йўлида фойдаланишимиз керак. Анча ишлар қилинди, лекин ҳали режалар ҳам кўп. Мен бу йўлда сиз, ёшларга ишонаман. Сизлар баянд чўқиларни қўлаб, шунга яраша билим олсангиз, замонавий касбларнинг устаси бўласангиз, юксак мақсадларимизга, албатта, эришамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ёшларнинг ўқишдаги муваффақиятлари, орзу-интилишлари ҳақида фикр алмашилди.

Хива шаҳрида “Арда Хива” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев маросимдаги нутқида вилоятнинг буюк ўтмиши ва бугунги туризм салоҳияти ҳақида сўзлади.

— Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига бебаҳо хисса қўшган. Шарқ гавҳаридир. Бу қўҳна юрт ҳахонга донги кетган не-не олимۇ фозиллар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакорр шоир ва ҳофизлар ватанидир, — дея таъкидлади давлат раҳбари.

Бу ердаги мухташам тарихий обидалар бебаҳо бойлик экани қайд этилди. Очик осмон остидаги шаҳар-музей — “Ичан қалъа” мажмуаси умумбашарият ҳазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Вилоятда 260 дан зиёд маданий мерос объеклари мавжуд. Улар ўзининг ноёб ва гўзал меъморий қиёфаси билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг ҳаёон равнақидаги бетакорр ўрнини белгилаб берадиган тирик тарихдир.

Бугунги кунда бунга асосланиб туризмнинг ривожлантиришга алоҳида стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объекллари асраб-авайлашиб, глобал туризм тармоғига фаол жалб қилинмоқда.

Шу билан бирга, ўзида тарих ва замонавийликини муҷассам этган йирк туристик мажмуалар ҳам барпо қилинаётир. “Арда Хива” шундай улкан режаларнинг яна бир амалий натижасидир. Ушбу мухташам халқаро туристик масканда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, очик ва ёпиқ акваларклр, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўргазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо рас-

таси, 11 та хунармандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фавворалар, соҳил бўйи йўлагига бор.

Бундай ишлар ҳисобидан вилоятга туристлар оқими қўшимча равишда 1 миллион нафарга ошади, хизматлар 1,2 триллион сўмга қўпади, камида 2 мингта иш ўрни яратилади.

— Ишончим комил, “Арда Хива” Хоразмдаги туризм ривожида янги саҳифа очади, вилоятнинг иккинчи “таширфи қорғози”га айланади. Ушбу бетакорр маскан Хоразмга, бутун халқимизга муборак бўлсин, — деди Президентимиз.

Яна бир янгилик — энди Хива туманидан 2 минг 400 гектар ер Хива шаҳрига ўтказилиб, у жойда “Сахро йўлузи” туристик мажмуаси бунёд этилади. Унда меҳмонхоналар, кўнгилочар марказлар, гастронoмик ва савдо қўчалари, музейлар, эқоуилар, ёёги лагеръ, экстремал туризм жойлари бўлади.

Шунингдек, Тупроққалъада чўл ҳудудиди 5 минг гектар ерда сафари ва ов туризми ривожлантирилади. Урганч шаҳри, Шовот, Қўшқўпир, Хива ва Ҳазораспдан оқиб ўтадиган Ғазовот, Полвон, Шовот каналлари бўйларида 50 миллион долларлик 80 та хизмат кўрсатиш, савдо-кўнгилочар объектлари ишга туширилади. Богот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманида туризм қишлоқлари ташкил этилади.

Маъьун академияси биноси олдидаги 2 гектар боғ “Буюк алломалар” номли очик осмон остидаги “смарт” музейга айлантирилади. Шу асосда Хоразм юртида камол топган ўнлаб мумотоз аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой иждоий мероси интерактив усулда бир нечта хорижий тилларда сайёҳларга тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари Амударёнинг икки соҳилида жойлашган Хоразм ва Қорақалпоғистон элини Худои таолонинг ўзи тақдирдош қилиб яратганини таъкидлади. Шу боис Хоразмда туризмни ривожлантириш Қорақалпоғистон билан ҳамоҳанг равишда, ягона концепция асосида амалга оширилади. Бунинг учун Хоразм — Қорақалпоғистон туризм халқаси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Урганч — Гурлан — Манғит аэромобиль йўли тўлиқ реконструкция қилинади.

Сўнгги йилларда Хива шаҳрига темир йўл тортилиб, янги вокзал қурилди, Бухоро — Урганч — Хива темир йўли тўлиқ электрлаштирилди. 2026 йилда ушбу йўналиш бўйлаб Жалолиддин Манғуберди номи билан аталадиган замонавий тезорар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Яқин келажақда бу тезорар поездлар Нукусгача боради.

Президентимиз маросимда қатнашаётган хорижлик меҳмонларни ҳам кўтлаб, ҳамкор элларга ҳурмат ва эзгу тилакларини билдирди.

— Бугун дунёдаги мураккаб вазиятга қарамастан Ўзбекистон ўз йўлидан дадил бормоқда. Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, дўстлик ва ҳамкорлик, бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда. Бизнинг ҳар бир мақсад-режамиз, ҳар бир илохотимиз одамларимиз ҳаётини яхшилашга, уларни рози қилишга қаратилган ва бу ишларимиз, иншооллоҳ, бардавом бўлғай. Амминканми, сиз, азизлар билан фидокорона меҳнат қилиб, Хоразм ва Қорақалпоғистонни дунёдаги энг гўзал ва обод, илм-фан ва инновациялар, маданият ва санъат янада ривожланган заминга айлантирамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маросим катта концерт намоийиши билан аяқунланди.

Зиёдулла ЖОНБЕКОВ,
Икром АББАЛБЕКОВ,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
Ўза махсус мухбирлари.

Дил сўзи

МЕҲНАТИМ БИЛАН ҚАДР ТОПДИМ

Касбим ўқитувчи. Кўп йиллар мобайнида ёшларга сабоқ бериш билан бирга томорқа ишлари, жумладан, кўчатчилик билан шугулландим. Кейинчалик фаолиятимни фермер сифатида давом эттирдим. 7 нафар фарзанднинг онасиман.

Улар билан кичкинагина томорқамизда кўчат етиштиришни бошлаганимизда, кун келиб фаолиятимиз бу қадар кенг қамровли бўлиши тасаввуримизга ҳам келмаганди. Президентимизнинг халқимиз дастурхони тўқин, ризки бутун бўлишини уйлаб томорқачилик, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш борасидаги ташаббуси замирида берилган имкониятлар менга янада куч бағишлади.

Томорқадан бошланган кўчат етиштириш бугун Гулистон маҳалласининг асосий драйверига айланди. Ёшлар ва хотин-қизларга ибрат бўлиб, ҳозиргача юзлаб шогирдлар етиштирдим, ишсиз фуқароларни кўчатчиликка ўргатдим.

Фарзандларим, келин ва невараларим ҳам бор меҳрини шу ерга берган. 3 гектар майдонда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилса, 2 гектар майдондаги интенсив боғимиз ҳосилга кирди.

Дарвоқе, 12 сотихли иссиқхонамизда эса турли-туман гул кўчатлари етиштирилади ва улар нафақат республикамиз, балки қўшни ҳудудлар, Қозоғистон ва Туркменистонга ҳам етказиб берилмоқда. Кўчатчилик ҳамда боғдорчиликдан олинадиган йиллик даромадимиз 1 миллиард сўмдан ортади.

Маҳалламизда ташкил этилган “Гулчилик мактаби” уй шароитида томорқадан даромад олиш истиғиди ёшлар ва хотин-қизлар учун катта таъриба майдонига айланди. Бу, ўз навбатида, ҳар бир оила



даромадига сезиларли таъсир кўрсатади.

Кеча Президентимиз билан мулоқотда ўз таърибларим, эришган натижаларим ҳақида сўзлаб бердим. Давлатимиз раҳбари камтарона меҳнатимга юксак баҳо бериб, шу куннинг ўзида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвонини берди.

Бундай эътибор ва эътиром учун нихоятда миннатдорман. Ушбу юксак эътироф бутун хоразмлик деҳқон ва фермерлар меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан. Бу рағбат янада изланиш, фаолиятимизни кенгайтириш учун менга беқиёс куч ва илҳом беради.

Бундай эътибор ва эътиром учун нихоятда миннатдорман. Ушбу юксак эътироф бутун хоразмлик деҳқон ва фермерлар меҳнатига берил

ҲУКУМАТГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ



Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда маҳаллий селекцияга мансуб янги нав ва дура-

гайлари етиштириш ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилиш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги қайд этилди.

Ўрганишлар натижасига кўра сабзавот экинлари уруғларининг тур ва навлари бўйича маркетинг хизмати йўлга қўйилмаган. Сертификатланган уруғларни етказиб бериш учун истеъмолчилар томонидан уруғлар тури ва навларига буюртмалар бериш механизми тўлақонли шакллантирилмаган.

Шунингдек, экспортбоп, импорт ўрнини босадиган навлар, уруғ-

лар, ишланмалар ва илмий натижаларни тижоратлаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида илм ва инновацияларни кенг жорий қилишдаги талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Муҳокама якунида ушбу масалаларга оид илмий киритиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КЎП ҚИРРАЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

— Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида тарихан шаклланган дўстона муносабатлар бугун сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқот туфайли икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик барча йўналишда жадал раванқ топмоқда.

Фикр

Ўзбекистон ва Озарбайжон БМТнинг халқаро кун тартибидаги асосий масалалар, жумладан, хавфсизликка замонавий таҳдид ва хавфхатарларга қарши курашиш, ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва бошқа йўналишлар бўйича ўхшаш нуқтани назарга эга.

Умуман, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва маънавий алоқалар чуқур тарихий илдизларга эга. Ўзаро алоқалар асрлар давомида ривожлана бориб, говийлик ва моҳият нуқтани назардан бир-бирига ҳамоҳанг, шакл ва мазмун жиҳатдан уйғунлик касб этган. Ўзбек ва озарбайжон

халқларининг атоқли намояндалари Алишер Навоий, Низомий Ганжавий, Мухаммад Фузулий жўон маданияти, илм-фани ва адабиётига бекиёс ҳисса қўшган. Уларнинг бебаҳо мероси мамлакатларимизда беҳад эъзозланади, асраб-авайланиб, чуқур ўрганилади.

“Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида”ги Шартнома икки мамлакат Президентлари томонидан 2024 йил 23 август куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари Давлатлараро олий кенгашининг биринчи ййгилиши доирасида имзоланган.

Унинг асосий мақсади — икки мамлакат мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва барқарор иқтисодий ривожланишини янада мустаҳкамлашга қаратилган давлатлараро муносабатларнинг янги босқичини шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат.

Бу билан икки томонлама уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик, ташқи сиёсат, парламент дипломатияси, мудофаа ва хавфсизлик, шунингдек, ҳарбий-техник соҳаларда яқин муносабатлар ўрнатиш, сармоиявий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “яшил” ва рақамли иқтисодиёт, электрон тижорат, энергетика, АКТ, IT хавфсизлиги ва сунъий интеллект ҳамда транспорт каби йўналишларда алоқалар мустаҳкамланади.

Ушбу Шартноманинг қонуний раификацияси, аввало, Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари ўртасидаги ўзаро икки томонлама муносабатлар янги ва олий даражага

олиб чиқилишига ҳамда унинг ҳуқуқий тартибга солинишига, икки давлатнинг ишончли шерик сифатидаги иттифоқчилик муносабатларига эга ҳамкорлик доираси янада кенгайишига хизмат қилади. Иккинчи томондан, давлатларнинг хавфсизликка таҳдидлар қаршисида доимий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, стратегик ва савдо-иқтисодий шериклики янада ривожлаштириш бўйича зарур шарт-шароитлар яратишга ҳамда мамлакатлараро масалаларни Давлатлараро олий кенгаш ййгилишлари доирасида ҳал этиш орқали томонлар ўртасида ҳамкорлиқнинг кенг қамровли тарзда ва янада ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга замин ҳозирлайди.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

ЮКСАК МАРРАЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САРИ

Президент топшириқлари асосида вилоят инфратузилмасини яхшилаш бўйича 120 километрдан зиёд ички йўллар таъмирланди ва қайта тикланди, 40 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланди, электр таъминотини барқарорлаштириш учун янги трансформаторлар ва подстанциялар қурилди, 2 мингдан зиёд оилалар арзон ва сифатли уй-жойларга эга бўлди. Иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда, инсон капиталини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди, жумладан, янги 15 та умумтаълим мактаби ва 7 та боғча қурилиб, фойдаланишга топширилди, 5 та туман шиғоҳонаси капитал таъмирланди, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди, оилавий шиғофор пунктлари тармоғи кенгайтирилди, тиббиёт ходимлари учун қулай меҳнат шароити яратилди.

Хоразмнинг бой маданий мероси ва туризм имкониятларини ривожлантириш ҳам доимо давлатимиз диққат марказида. Хива шаҳри ва атрофида янги туристик маршрутлар ташкил этилди. Меҳмонхона, ҳунармандчилик марказлари ва сервис инфратузилмаси ривожлантирилди, туристлар сонига 28 фоизга ўсиш кузатилди.

Бу галги ташриф чоғида давлатимиз раҳбари ҳудуддаги янги саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва туризм объеклари, шунингдек, транспорт инфратузилмаси ва шаҳарсозлик соҳаларида амалга оширилаётган ййрик лойиҳалар билан танишди. Жумладан, Урганч халқаро аэропортини модернизациялашга оид лойиҳанинг бориши ҳақида ахборот берилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 223 млн. АҚШ доллари бўлиб, унинг доирасида янги учиш-қўниш йўлаг, йўловчи ва юк терминллари қуриш, “ICAO” талабларига жавоб берувчи ёритиш-сигнал қурилмалари ўрнатиш, махсус техникалар хариди кўзда тутилган. Қурилиш-реконструкция ишлари 2025 — 2027 йиллар давомида амалга оширилади. Бунинг натижасида аэропорт “Boeing 747” ва “Airbus 350” каби ййрик ҳаво кемаларини қабул қилиш имконига эга бўлади. Аэровокзалнинг умумий майдони 39 минг квадрат метрга етиб, соатига 1 минг 300 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қуввати яратилади. Умуман, бундай замонавий инфратузилма орқали Хоразм аэропорти энг қулай йўналишлардан бирига айланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ташриф ҳам янги марраларни белгилаш, ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичларини янада ошириш, бу заминда яшаётган 2 миллиондан зиёд аҳолининг фаровонлигини янада юксалтиришга катта туртки беради.

Бу жараёнда эса биз, депутатлар ташриф доирасида белгиланган вазифалар ва топшириқлар ижросини мунтазам назорат қилиш, ҳудудий ривожланиш дастурларини, иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашиш ва таклифлар ишлаб чиқиш орқали ўз ҳиссамизни қўйишимиз лозим бўлади.

Ишончимиз комилки, Хоразм вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тенденциялар келгусида ҳудуд иқтисодиётини янада яхшилаб, унинг янги ва жозибадор қиёфа касб этишига ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Барно БЕРДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКАГА ОИД МАСАЛАЛАР – ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонун ижросини Бухоро ҳамда Самарқанд вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган ййгилиш ўтказилди.



Таъкидланганидек, сўнгги ййилларда мамлакатимизда фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш, аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника муомаласини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятида улғуржи савдо билан шуғуланувчи лицензияланган 13 та субъект фаолият юритмоқда. Улардан 12 таси “GPP” (Good Pharmaceutical Practice) стандарти бўйича сертификат олиб, фаолиятни амалдаги техник ва санитария қоидаларига мувофиқ тарзда ташкил этган. Барча улғуржи омборхоналар дори воситаларининг ҳароратга нисбатан сезгирлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида махсус ҳарорат режимини сақловчи автомобиллар билан таъминланган.

Шунингдек, вилоятда жами 876 та дорихона ва дорихона шохобчаси фаолият юритяпти. Улардан 128 та ижтимоий дорихона “Dori-Darmon” МЧЖга, яна 40 та ижтимоий дорихона “Madadkor Pharm” МЧЖга тегишли бўлиб, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари билан таъминлашга ихтисослаштирилган.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШГА ЯНГИЧА Ёндашув

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Лойиҳа юзасидан сиёсий партиялар фракциялари, ишчи гуруҳ аъзолари, экспертлар ва ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган ййгилишда уни биринчи ўқишда муҳокама этиш давомида депутатлар томонидан берилган барча таклиф, фикр-мулоҳазалар чуқур таҳлил қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги соҳасидаги санитария чоралари, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш тартиби ЖСТ битими талаблари билан уйғунлаштирилляпти. Озиқ-овқат маҳсулоти ва озуканинг хавфсизлигига қўйиладиган умумий талаблар, озиқ-овқат бизнеси операторларининг ҳуқуқлари ва

мажбуриятлари назарда тутиляпти.

Шунингдек, унда озиқ-овқат маҳсулотининг хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари тизими асосида доимий тартибларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва қўллашга қўйиладиган талаблар ҳам акс этмоқда.

Ййгилишда лойиҳадаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларидан асослантирилган тушунтиришлар сўралди. Уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пукта ҳолатга келтириш бўйича қатор таклифлар берилди. Улар асосида лойиҳа маромига етказиладиган бўлди.

Масъул кўмитада қонун лойиҳасини такомилга етказиш ишлари давом этмоқда.

ТАКЛИФ ВА ТАҲЛИЛЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси томонидан “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ ййгилиши ўтказилди.

Тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқшунослар, экспертлар, тадбиркорлик субъектлари иштирокида ўтказилган ййгилишда уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пукта ҳолатга келтириш бўйича депутатлар томонидан берилган таклифлар чуқур таҳлил қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасида масъулияти чекланган жамиятларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, соҳага ривожланган давлатларнинг тажрибасини жорий қилишга оид ҳуқуқий нормалар акс этмоқда.

Шунингдек, жамият нафақат лицензия, балки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар ва хабардор қилиш тартибида фаолият турлари билан шуғулланиши мумкинлиги, жамиятларнинг филиал ва ваколатоналарини очиш тартиблари белгиланмоқда.

Лойиҳада жамиятнинг миноритар иштирокчилари ҳамда мажоритар иштирокчисининг ҳуқуқларига оид янги қоидалар акс этирилиб, жамият томонидан муҳим қарорлар қабул қилишда улар ҳуқуқларининг таъминланишига оид ҳуқуқий нормалар ўз иф-

дасини топмоқда.

Шу билан бирга, жамият кузатув кенгашининг қарорларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиш тартибини ҳамда устав фондидаги улушини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим оддий ёзма шаклда амалга оширилиши мумкинлиги жамият уставада белгиланишига оид қоидалар кириляпти.

Ишчи гуруҳ ййгилишида қонун лойиҳаси атрофида қўриб чиқилиб, депутатлар томонидан ундаги айрим нормалар бўйича қатор саволлар кўтарилди. Ҳужжат матнини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш бўйича кўплаб таклифлар берилди.

Ушбу қонун лойиҳаси жамият иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг қафолатларини янада мустаҳкамлашга, жамият фаолиятида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этишга хизмат қилади.

Айни пайтда масъул кўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ТЕМИР ПАНЖАРА ОРТИДАГИ ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ

Хотира — муқаддас, сабоқ — абадий

Маҳкумлар сони шу қадар кўп эдики, жазолаш муассасалари дислокацияси узоқ Сибирдан тортиб Қозоғистон чўлларига-ча бўлган улкан минтақани қамраб олган эди. Қўшни республика ҳудудига жойлашган Карлаг (Қарагандинский лагер) ва АЛЖИР (Акмолинский лагер) жён изменников Роди-ны) каби жазони ўташ муассасалари ҳам ана шундай бегуноҳлар тақдирини парчалаган, уларни мисли кўрилмаган азобу қубатларга дучор этган жойлар бўлган. Бу лагерлардаги жазога ноҳақ тортилиб, инсоний ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлар орасида кўплаб ўзбек зиёлилари ва уларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳам бор эди.

Биз бу тарихни унутмаслигимиз керак. Ёш авлод уни билиши, ўрганиши ва тўғри ҳулоса чиқариши шарт. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 19 июлдаги “Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тарихимизнинг номаълул саҳифаларини тиклаш ва илмий нуктаи назардан чуқур ўрганиш, шу асосда юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватан тақдирини келажакка дахлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини кучайтириш, уларни бугунги тинч, эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Хотира — бу фақат ўтмиш эмас, балки келажакни адолатли ва оғоҳлик билан қуришга хизмат қилувчи маънавий устун. Тахририятимиз ходимларининг Қозоғистондаги “Карлаг” ва “АЛЖИР” музейларида қилган хизмат сафари давомида нафақат ўтмишга яна бир бор назар ташлашдан, балки тарихий ҳолат ва ундан олинмаж сабоқнинг аҳамиятини очиб беришга ҳам эътибор қаратилди.

Хужжатлар тилга кирганда

Остонанинг замонавий қиёфаси, осмоншўлар бинолари ва тинч муҳити қаршида Қозоғистон заминида тарихдан гувоҳ беришчи айрим оғриқли хотиралар янада теран ҳис қилинади. “Карлаг” ва “АЛЖИР” музейлари ана шундай қайғули хотираларни ўзида ақс эттирган масканлар бўлган.

Карлаг — Қараганда шахри атрофида жойлашган, ер майдони бўйича замонавий Франция ҳудудига тенг келадиган йирик лагерлар тизими бўлиб, тарихда ўзининг муқддас номи билан эсланади. Марказий Осиёдаги энг катта репрессиялар кўзгуси сифатида танилган. Собиқ иттифок даврида озодликдан маҳрум этилган минглаб бегуноҳ инсонлар шу ерда қийноққа солинган, ҳатто жонидан айрилган. АЛЖИР эса фақат хотин-қизлар учун мўлжалланган қамоқхона бўлиб, у ерда “халқ душмани” тамғаси босилган эркакларнинг рафиқалари ва оналари тутқунлиқда ушланган, фарзандларидан ажратилган.

Е. А. Букетов номидаги Қараганда университети ректори, Қозоғистон Республикаси Миллий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор Нурлан Дулатбековнинг таъкидлашича, бу музейлар тарихини нафақат хужжатларда, балки инсон қалбига сақлашга хизмат қилади. Улар ҳаёт ҳақиқатини гапирди. Қора кунлар, кечирилмас хато ва инсоний фожиаларни эсга солиди. Бу музейлар ҳозирги авлодини ўтмишни унутмасликка, хатоларни такрорламасликка даъват этади. Улар хотира ва изтироб орқали

адолат ва маърифат сари олиб борадиган кўприқдир.

— XX асрнинг биринчи ярмидаги оммавий сиёсий қатагонлар инсоният тарихига тоталитар режими-нинг ўз халқини қириб, яқсон этиши сифатида кирган, — дея таъкидлайди Нурлан Дулатбеков. — Собиқ иттифок парчаланганидан сўнг давлатлар ва миллатлар ўз ўтмишларига мурун-жаат қилиб, қонли террорнинг оқибатларини таҳлил этишга интилди. Карлаг ҳақидаги хужжатлар кўп йиллар давомида махфийлик белгиси остида сақлаб келинган. Архивлар очилган кўплаб шохидлар ўз хотираларини халққа тақдим қилишга киришди. Бу тарихий жараёнлар фақат мустабид тузум давридаги сиёсий қатагонларнинг фожиали саҳифаларини ёритиб қўйиш билан чегараланмай, янги илмий тамойиллар ва концепцияларнинг пайдо бўлишига ҳам ёрдам берди. Карлаг маҳбуслари нафақат Қозоғистон, балки бутун собиқ иттифок республикалари маданияти ва иқтисодиётида муҳим роль ўйнаган зиёлилардан тортиб машҳур шахсларгача бўлган кишилардир.

Хар бир экспонат — бегуноҳ қурбоннинг аччиқ тақдир

“Карлаг” ва “АЛЖИР” музейлари-га ташир — бу шунчаки саёҳат эмас, балки қалбни титратувчи, тарихга юзланувчи руҳий сафар. Қамоқхоналар, сохта судлар, изтиробга тўла мактублар, темир панжара ортида қолган тақдирлар... Хар бир экспонат бегуноҳ қурбоннинг аччиқ тақдирини ҳақида сўзлайди.

“Карлаг”даги қора деворлар, совуқ камералар, оғир меҳнатга маҳкум бўлган инсонларнинг иш қуроллари — буларнинг ҳар бири инсон қадри, эркинлик ва адолат поймол бўлишини янада теран англашга ёрдам беради.

— Долинка кишлоғидаги сиёсий қатагон қурбонлари хотираси музейи (“Карлаг” музейи) 2001 йилда Карлаг тарихий ёдгорликларини тадқиқ қилиш ва сақлаш, Қозоғистон ҳудудига жойлашган мажбурий меҳнат лагерлари қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган, — дейди музей ходимаси Елена Гистина. — Ҳозирги кунда музей Карлагнинг собиқ бошқарув биносидида жойлашган бўлиб, у 1933 — 1935 йилларда минглаб маҳбуслар томонидан қурилган. Биноларнинг умумий майдони — 3326,6 квадрат метр. Меҳмонлар эътиборига икки қаватда жойлашган “Қозоғистонда очарчилик”, “Карлагнинг ташкил топиш тарихи”, “Карлагнинг ҳўҳалик фаолияти”, “Аёллар ва болалар”, “Халқларни депортация қилиш” ва бошқа мавзуларни қамраб олган 20 та экспозиция зали тақдим этилган.

Музейнинг доимий экспозицияларидан сиёсий таъкиблар тарихи бўйича архив материаллари, хатлар, фотосуратлар, маҳбусларнинг шахсий ишлари ҳамда экспедиция давомида топилган иш қуроллари, маиший буюмлар жой олган. Коллекция тарки-

бида лагерь маҳбуслари томонидан яратилган санъат асарлари ҳам бор.

Музейнинг ертўла қисмидан тергов изолятори инсталляцияси — қамоқхона, эркаклар ва аёллар камераси, терговчи хоналари, қийноқхона ва бошқалар кишини маҳзун ўйга толдиради, тарихдан сабоқ чиқаришга ундайди. Бу ерда маҳбусларни сақлаш шароитлари, сўроқ ўтказиш жараёни ва шахсий ишларни расмийлаштириш тартиби ҳам ақс эттирилган. Тергов изолятори инсталляцияси қатагон қурбонларини, назоратчилар ва терговчиларнинг ҳайкаллари билан тўндирилган.

Музей илмий-маърифий фаолият билан ҳам шуғулланади. Бу ердаги Сиёсий таъкиблар тарихи бўйича илмий-тадқиқот марказида олимларнинг архив материаллари асосида тайёрлаган ишлари тақдим этилган.

Музейда Карлагнинг собиқ маҳбуслари ва қатагонга учраганларнинг авлодлари билан учрашувлар мунтазам уюштирилади. Сиёсий таъкиблар ва очарчилик қурбонларини ёд этиш кунидида конференциялар, учрашувлар, семинарлар ўтказилади. Экспозиция залларида Карлаг маҳбуслари ҳаётидан лавҳалар “жонланади”. Ил-давомида музей фонди ва шахсий коллекциялардан олинган экспонатлардан иборат даврий кўргазмалар ўтказилади. Музей фондида тахминан 15 мингта экспонат мавжуд



бўлиб, шуларнинг 6 мингдан зиёди асл тарихий буюмлардир. Асосий фонд учун етарлича бой ва турли материаллар тўпланган.

Фотосуратлар ва хужжатлар музей экспозицияси ва фондларида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки улар лагерь ҳаётидан гувоҳлик беради. Масалан, 1931 йилдаги “Путёвка” газетаси, 1932 йилда лотин алифбосида қозоқ тилида нашр этилган “Jana Jol” газетаси ҳамда маҳбусларнинг кундаликлари музейнинг нодир экспонатларидир.

Бундан ташқари, музей фондида депортация қилинган рассомлар — П. И. Реченский, Л. П. Андреев ва Л. Э. Гамбургернинг ноёб асарлари, 1920 — 1930 йиллардаги қозоқ халқининг маиший буюмлари, маҳбуслар томонидан тикилган чеварлик маҳсулотлари, ўша даврга тегишли мусиқа асбоблари, таъмирлаш-механика заводидида маҳбуслар томонидан ишлаб чиқарилган ускуналар, депортация учраган халқларнинг шахсий буюмлари ва бошқа кўплаб нодир экспонатлар сақланади.

Музейга ташир фуқаровчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Нафақат қозоғистонликлар, балки яқин ва узоқ хоржик фуқаролари ҳам музейга катта қизиқиш билдирмоқда.

Қисмати парчаланган аёллар

“АЛЖИР” музейида муҳаббатдан, оналикдан, ҳаётдан маҳрум этилган аёлларнинг аччиқ қисмати намён. Бу машум масканда турли йилларда 18 мингдан ортиқ аёллар қамоқда

сақланган. Улар айбсиз эди. Бу мушфиқаларнинг бор-йўқ “айби” улар турмушга чиққан инсонлар ёки фарзандлари “халқ душмани” деб эълон қилингани эди, холос.

Бу ерда қамоқда ўтирганлар орасида ўша даврдаги кўплаб давлат ва сиёсат арбобларининг оила аъзолари бор эди. Масалан, хоинликда айбланиб отиб ташланган маршал Михаил Тухачевский оиласига мансуб аёллар, ёзувчи Борис Пильнякнинг рафиқаси Кира Андроникашвили, ёзувчи Юрий Трифоновнинг онаси Евгения Лурье, давлат арбоби Турар Рисуловнинг умр йўлдоши Азиза Рисулова-Исенгулова, ёзувчи Бейимбет Майлиннинг рафиқаси Гулжамол Майлина, шунингдек, Булат Окуджава ва Майя Плисецкаянинг оналари “АЛЖИР” аэобларини бошдан кечиришган.

Бу қамоқхонада ҳали ҳеч нарсани англаб етмаган норасида болалар ҳам тутқунлиқда ушланган. Музейда сақланган болалар оёқ кийимлари, норасида маҳбусларни тасвирловчи ҳайкалчалар ва улар ҳақидаги ёзувларни қурган одам кўз ёшларини тийиши жуда қийин.

Музей ходимаси Гаухар Ризалиеванинг таъкидлашича, “АЛЖИР” музейи-мемориал мажмуаси — тоталитар тузум давридаги сиёсий қатагон қурбонлари хотирасига бағишланган тарихий маскан бўлиб, у кўр-кўрона олиб борилган зулм сиёсати нимага

шидан кечирган барча инсонларга бағишланган. Унда ГУЛАГ харитаси ва Қозоғистон ҳудудидидаги 11 та Карлаг тизимига кирувчи лагерь номлари тасвирланган. Сим тўсиқ ортидаги аёл ва болаларнинг кўз ёшлари — АЛЖИР маҳбуслари ва уларнинг авлодлари тақдирининг фожиали рамзидир.

Барак — “ижтимоий жиҳатдан хавфли ва антисовет ҳаракатларга мойил” деб баҳоланган аёллар яшаган бино. Унда АЛЖИР маҳбусларидан болаларнинг олиб қўйилиши саҳнаси ақс этган диорама намён қилинган. “Алаш боғи” 1,5 гектар майдонни эгаллайди. Ушбу ҳудудда лагерь маҳбуслари томонидан мева-ли боғ яратилган бўлиб, у бугунги кунда қайта тикланмоқда. Хотира деворида эса АЛЖИРда жазо муддатини ўтаган 7 мингдан ортиқ аёлларнинг исмлари ёзилган.

Бу музейга кирган инсон тарихини фақат қўриғина қолмайди — уни бор вужуди билан ҳис қилади. Бу жой инсон виждонини уйғотади.

Ўтмиш билан суҳбат ва келажак олдидаги масъулият

“Карлаг” ва “АЛЖИР” музейлари-даги ҳар бир қадам — ўтмиш билан суҳбат, ҳар бир кўз ёши — келажак учун сабоқ. Бу жойлар бизга тинчлик ва эркинлик осонгина келмагани, бугунги бахтли ҳаёт учун қанча инсонларнинг тақдир қурбон бўлгани эслатади.

Бугун Ўзбекистонда тарихга юзланиб, тоталитаризмнинг қора саҳифалари очиб ташланмоқда. Ватанимиз истиқлоли, бугунги озод, тинч ва фаровон ҳаёт учун курашиб, азиз жонларини фидо этган, собиқ иттифок даврида қатагон қилинган аждодаларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2021 — 2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатагон қурбонларининг номлари оқланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, унинг ҳудудлардаги бўлимлари ҳамда Жаҳидлар мероси давлат музейи мавзуга доир маълумотлар, ашёвий далил ва хужжатлар, бошқа тегишли экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб бориляпти.

Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Исроҳон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуғ маърифатпарвар аждодаларимиз хотирасига бағишланган муҳташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Сиёсий қатагон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номларини аниқлаш, улар қолдирган меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари, бадий ва хужжатли асарлар яратилмоқда.

Зотан, истибдод даври тарихини билишимиз жуда муҳим. Тоталитар тузумнинг машум жиноятлари, бутун халқлар бошига солган қулфатларини билган, тарихдан зарур ҳулоса чиқарган авлод эса эркинлик ва тинчлик қадрини теран англайди. Ўтмишга ўз бориб, керакли сабоқ олган халқ бугунги кунини, келажак йўлини тўғри белгилаб олади. Тинчлик-тотулиқ, мустақиллик, Ватан орномуси, ҳурлиги учун курашда, фаровон ва бахтли ҳаёт йўлида ишонч билан одимлайди.

Нурлан УСМОНОВ («Халқ сўзи»).

Тошкент — Остона — Қороғандо — Тошкент. Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Бепул кинонамоишлар — барча учун

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида бепул кинонамоишларга старт берилди.



Кинематография агентлиги томонидан ишлаб чиқарилган энг сара ўзбек фильмларининг намоишини “Муҳаббат баҳори” фильми бошлаб берди. Унда киноижодкорлар, юртдошларимиз ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Фильм режиссёри Иброҳим Расулов ва актриса Шаҳноза Хожимуродова томошабинлар билан суҳбатда фильмининг мазмуни ва аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди.

Фильмда икки ижодкор — Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ва жамоат арбоби, таниқли шоир Ҳамид Олимжоннинг соф муҳаббати, ижод ва ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, уларнинг орзу ва армонлари, Ҳамид Олимжон вафотидан кейинги Зулфия-хонимнинг ички кечинмалари, умид ва шижоатга тўла ҳаёт йўли ўзига хос бадий ракурсда тасвирланган.

Туркия саҳнасида Сурхондарё санъаткорлари

Туркия давлатида ташкил этилган I халқаро болалар театри фестивалида Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси муваффақиятли иштирок этди.



Фестиваль доирасида театр жамоаси “Бре-мен мусиқачилари” спектаклини намоиш қилиб, халқаро томошабинлар эътиборини қозонди. Шу билан бирга, ёш томошабинларда илқ таассурот қолдирди.

Ижодий жамоанинг иштироки Ўзбекистон театр санъати ривож йўлида муҳим қадам бўлиб, маҳаллий ижодкорларнинг ҳалқаро миқёсдаги муваффақиятини намён этади.

Ўзбекча гаплашамиз

Мамлакатимизнинг Мисрдаги элчихонаси вакиллари инглиз тилида “Uzbek Language: Complete Self-Study Guide in 22 Lessons” қўлланмасини нашрдан чиқарди.

Ушбу элчихона масъул ходими Отабек Алимов муаллифлигидаги мазкур қўлланма ўзбек тилини соддалаштирилган услубда ўргатишга мўлжалланган. Маълумотлар кўра инглиз тилидаги нашр 400 нусхада чоп этилган бўлиб, элчихона томонидан ушбу китоб Мисрдаги қутубхоналар, ўзбек тилини ўрганаётган Қоҳира университети талабалари орасида тарқатилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бошқа давлатлардаги элчихоналари орқали ўзбек тили ўқитиладиган хоржий университетларга ҳам етказиш режалаштирилган.

Ушбу китобда Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари, буюқ тарихий шахслари тўғрисида қизиқарли маълумотлар ҳам мавжуд.

«Халқ сўзи».

Водий тadbиркорлари билан очик мулоқот ўтказилди

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ раҳбар ходимлари Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида бўлиб, аҳоли ва тadbиркорлар билан учрашувлар ўтказди.

Тadbирлар давлатимиз раҳбарининг тadbиркорлар билан очик мулоқотида банклар олди-га қўйилган вазифалар ижроси доирасида ташкил этилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ушбу йўналишда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувлар давомида тadbиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган сўнгги ислохотлар, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экспортни рағбатлантиришга қаратилган молиявий механизм-

лар, имтиёз ва преференциялар хусусида атрофлича тушунтиришлар берилди.

“Маҳалла банкири” тизимида олиб борилаётган ишлар ҳамда “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” дастури асосида ажратилаётган соддалаштирилган кредитлар ҳақида ҳам батафсил маълумот тақдим этилди.

Маҳалла банкирларининг хонадонбай ишлаб, ҳар бир оилага тайёр бизнес режа-



лар тақлиф этаётгани, лойиҳасининг ҳар бир босқичида — кредит олиш, бизнес очиш, маҳсулот сотиш жараёнларида ҳамроҳлик қилаётгани иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Учрашувда, шунингдек, банк маҳсулот ва

хизматлари, банк амалиётларини онлайн баҳаришга оид ечимлар тақдимоти ўтказилди.

Очик мулоқотлар чоғида тadbиркорларнинг ўз фаолиятини кенгайтириш, замонавий ускуналар ва хомашёлар харид қилиш, янги лойиҳалар учун кредит олиш каби масалалар юзасидан муурожаатлари тингланди.

Қатор масалалар жойида ҳал этилди, ўрганиш талаб қиладиган муаммолар эса банк раҳбарияти назоратига олинди.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкентдаги Фотосуратлар уйида таниқли рассом Қудратилла Ажиметовнинг «Юлдузларга илк қўйилган нарвон» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 03.15 Топширилди — 03.35 1 2 3 4 5 6